

Абдуллахон I ибн Кўчкунчихон
(XV аср охири - 1540-йил 14-сентябр, Самарканд)
(1540-йил март-сентябр)

Шайбонийлардан бўлган Мовароуннахр хони. Абулхайрхоннинг невараси, Кўчкунчихоннинг ўгли.

1514-1540-йилларда Абдуллахон I Ясси (Туркистон)да ҳокимлик қилган. 1540-йил мартда шайбоний Убайдуллахон вафот этгач, Бухоро хонлиги 3 қисмга бўлинган даврда Самаркандда ҳукмронлик қилган. Унинг қиска ҳукмдорлигидан сўнг мамлакатда кўш ҳокимиятчилик вужудга келган, яъни бир давлатда икки ҳукмдор пайдо бўлди. Абдуллахон I Самаркандда Регистон яқинидаги Чихил (Чил) Духтарон қабристонида дафн этилган. Унинг вафотидан сўнг Самарканддаги шайбонийлар тахтига укаси Абдулатифхон ўтирган.